



QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ JASLAR SIYASATÍ HÁM SPORT MINISTRILIGI BUYRÍGÍ

19«avgust»2023 jil.

668-A/F-san

Nókis qalası

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 15 августдаги 03/1061-A/F-сон буйруғи ижроси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 15 августдаги “Спортнинг волейбол тури бўйича фахрий эркаклар ўртасида Ўзбекистон очик турнири 2-турини ўтказиш тўғрисида”ги 03/1061-A/F-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 15 августдаги 03/1061-A/F-сон буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Спортнинг волейбол тури бўйича фахрий эркаклар ўртасида Ўзбекистон очик турнири 2-тури (бундан буён матнда мусобақа деб юритилади) 2023 йил 17-20 август кунлари Самарқанд вилоятида ўтказилиши инобатга олинсин.

3. Мусобақада иштирок этадиган жамоа аъзоларини сафар харажатлари сафарга юборувчи ташкилот томонидан қоплансин.

4. Олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш шўъбаси бошлиғи (**А.Темирбаев**), Қорақалпоғистон волейбол федерацияси ижрочи директори (**А.Казаков**)лар билан биргаликда:

а) ушбу мусобақада Қорақалпоғистон Республикасининг терма жамоаси иштирокини таъминлаш;

б) мазкур буйруқнинг иловасига мувофиқ тегишлилиги бўйича ходимларни мусобақада иштирок этишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Ахборот хизмати (**А.Пиряров**)га:

мусобақанинг ўтказилиши билан боғлиқ жараёнларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга тавсия этиш ҳамда вазирликнинг ижтимоий тармоқларга жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

6. Ахборот-таҳлил ва ижро интизоми шўъбаси бош мутахассиси (**А.Торениязов**)га:

мазкур буйруқ билан Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг тегишли бўлимларига ва вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларига юбориш вазифаси юклатилсин.

7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Алланазаров